



Эслайсизми, “Бузук телефон” деган болалар ўйини бор. Биринчи бола “Саша” деса, иккинчиси “Каша” деб эшитади, учинчисига эса “Маша” дегандай туюлади. Кулгили ўйин! Кеча мени туйкусдан директор чакириб колди.

— Эшитишими, у ер-бу ерда мен хакимда хар хил бўлмагур гаплар килаётган эмишсиз. Мени лавозимимга номуносиб деганмишсиз.

— Буни сизга ким айтди? — сўрадим мен.

— Бунинг ахамияти йўқ, ёкмаётган бўлсам, марҳамат, кетишингиз мумкин, сизни ушлаб турмайман! — деди кўли билан эшикни кўрсатиб.

Үйланиб туриб колдим, ким бунака бўлмагур гапни айтди экан? Директор, хар калай, директор. Мен у хакда ёмон фикрга борган хам эмасман.

Бош мухандиснинг олдига кирдим.

— Директорга мени у хакида хар хил гаплар киляпти деб сиз айтдингизми?

— Буни каердан олдингиз? — хайрон бўлди бош мухандис. — Мен факат, сизга чамаси ишимиз ёкмаётгани, балки бошка ишга ўтмокчилигингиз хакида гапиргандим, холос.

— Бунака гапни сизга ким айтди? — сўрадим мен.

— Бунинг ахамияти йўқ, — деди бош мухандис. — Нима, аслида хам шундай эмасми?!

Үйланиб туриб колдим. Бунака таги йўқ гап кимдан чикиши мумкин?

Бўлим бошлиги хонасига йўналдим.

— Мени ишдан кетмокчи, деб бош мухандисга сиз айтдингизми?

— Бунака дейишни ўйлаганим хам йўқ, — таажжубланди бўлим бошлиги. — Мен факат маошингиз сизни коникирмайтгани, уни оширишларини талаб килишга чогланаётгандай бўлганингиз хакида шипшигандим...

— Сизга буни ким айтди? — сўрадим мен.

— Ростини айтсам, эслолмайман. Кимдир...

Етакчи мухандисга учрадим.

— Бўлим бошлигига сиз айтдингизми, мени каттарок маош талаб килмокчи деб?

— Мен унга деярли хеч нарса айтганим йўқ! — кўркиб кетди у. — Мен шунчаки, шунака ёш йигит-у, хозирдан кўп нарса жонига теккан, дедим, холос.

— Нима жонимга тегибди, кимдан чиқди бу ярамас фикр? Ишлаб юрибман-ку, эл катори.

— Ие, шошма, — деди етакчи махандис, — бугун ишга келибок портфелингни иргитиб, “Хаммасидан тўйиб кетдим!” дединг-ку!

— Десам нима бўпти! — кичкирдим мен.

— Хеч нарса, — деди етакчи мухандис хар эҳтимолга карши узокрокка жилиб. — Нима эшитсан, шуни айтдим!

Мен стулга йикилдим. Ходимлар ўраб олишди, сув беришди, бўйинбогимни бўшатишиди.

— Нима бўлди? — кизикиб колишди бошкалар.

Мен бошка бўлимлардан хам кизикувчилар етиб келишлари учун бир оз кутдим, сўнгра бор кучимни тўплаб ўрнимдан турдим ва:

— Ўртоклар! Узункулок гаплар кўпаймаслиги учун, хамманинг олдида айтиб кўяй, — дедим катъий охангда. “Хаммасидан тўйиб кетдим” дедим. Лекин, бу гапим мени директор тўйгазиб юборганини, институт ёкмаётганлигини, ишдан зерикканлигим, маошимнинг эса озлигини билдирамайди!

Бўлимда барча кизикувчилар учун жой етишмай колди. Шу боис, олдинда турганлар мен айтган гапларни елкама-елка коридорда турганларга етказа бошлашди.

— Бу шуни билдирадики, — давом этдим иложи борича каттикрок, — Менинг кайфиятим ёмон. Хотиним билан уришиб колдим. Ёзда каерда дам олиш масаласида хамон бир фикрга келолмай турибмиз. Бошка хеч гап йўқ. Эшитяпсизларми?

— Эшитяпми-из! — акс-садо билан овоз беришди коридорнинг охирида турганлар.

Шу дамда мени охирги кувватим хам тарк этди...

Кўзимни уйда, хотиним юзларимга беозоргина уриб шивирлаганида очдим:

— Демак, мен энди сизга керак эмас эканман-да?.. Демак, мени ташламокчи экансиз-да?!

— Ким сенга бундай деди? — зўрга сўрадим.

— Яна сўрайди-я! Дўстларингиз-да, анави, сизни билмадим, каердандир олиб

келгандар...

Мен кўзимни каттарок очдим, кейин секингина уларни узокрок муддатга юмдим.
Эслайсизми, “Бузук телефон” деган болалар ўйини бор. Биринчи бола “Саша” деса,
иккинчиси “Каша” деб эшитади, учинчисига эса “Маша” дегандай туюлади ва натижада...

Русчадан Хабиб Сиддик таржимаси